

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил – Соғлом бола йили

## ИҚТИДОРЛИЛАР ЯНА ПОЙТАХТДА

Иқтидорли болаларни кашф этиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш, жамоа орасида ўз фикрини тўла ифодалашга ўргатиш, сардорлар кенгашининг ўтган даврадаги ишига баҳо бериш ва ташкилотнинг кейинги вазифаларини белгилаб олиш мақсадида ҳар йили май ойида республика "Камалак" болалар ташкилотининг аънавий анжуманлари ўтказилади.

Анжуманга тайёргарлик куриш ҳамда "Камалак" ташкил топган кунни муносиб нишонлаш мақсадида вилоят "Камалак" болалар ташкилоти Тошкент шаҳридаги "Болажон" боғида "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!" шиори остида байрам тадбири ўтказди.

Байрамда сардорлар кенгаши аъзолари Амир Темури хибони, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Мустақиллик майдонига саёҳат қилиб, Мотамсаро она ва Бахтиёр она ҳайкаллари пойига гуллар куйишди.

Тадбир сўнгида намунали фаолият курсатаётган сардорлар кенгаши аъзолари фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Феруза Тўраева, Азамат Аҳмедов олган суратлар.



### Қонун ва ижро

Вилоят прокуратураси хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг фаолиятларига ҳар қандай асоссиз аралашининг олаини олиш ва асоссиз солинган жарималарни

бекор қилиш, айниқса, давлат солиқ инспекциялари фаолиятлари устидан доимий прокурор назорати ўрнатиб, уларнинг ноқонуний ёки асоссиз қарорларини бекор қилиш ва ўзгартириш чораларини кўрмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

Жумладан, Тошкент вилояти ҳужалик судининг 11-1302/15129-сонли иш бўйича 2014 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори билан аризаچи Янгийул туман давлат солиқ инспекциясининг жавобгар, яқна тартибдаги тадбиркор "Маша-

рипова Гуландон Анваровна"нинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 4 миллион 400 минг 260,55 сўм қарзини ундириш ва ундирувни унинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган. Ўз-

бекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 373-моддасида яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари жорий қилинган.

(Давоми 2-бетда).

### Тузатиш

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2014 йил 14 май сонидан «Қонун устуворлигига амал қилинапти» сарлавҳали мақоланинг биринчи устуни 13-16-сатрлари «прокуратурасига юборилган эди. Вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси» деб тўғри ўқилсин.

### Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗДОРЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

"Тошкент ҳақиқати" газетаси табиий газ ва электр энергиясидан тўғри фойдаланиш ва ҳақини вақтида тўлаб бериш, акс ҳолда қонунга мувофиқ қатъий чоралар курилиши ҳақида боғ уратганга қарамай, аксарият истеъмол-

чилар бу жиддий масалага ҳамон лоқайд муносабатда бўлмоқдалар. Фойдаланилган табиий газ ва электр энергияси ҳақини тўлашга оргинаётган истеъмолчилар Юқори Чирчиқ туманида ҳам оз эмас.

қайта боришга мажбур бўлаётган. "Миллионер" қарздорлар бўлмаганида, шаҳар ва туманларнинг қарзи миллиардларга чиқиб кетмасди, идоралар раҳбарларининг йиғилишларда юзи шувут бўлмасди, кўрсатилмаётган хизматлар сифати янада яхшиланарди. Энг асосийси, ҳамма ўз иши билан машғул бўларди.

(Давоми 2-бетда).

Файрат Қодиров шундайлардан бири. У оку қорани таниган ёшда бўлишига қарамай, газдан 3 миллион 780 минг сўм қарзини тўлашни пайсалга солиб келаётди. Темури Матишев ҳам боқибегамлардан экан. Унинг газдан қарзи 3 миллион 358 минг сўмга бориб қолган бўлсада, пинагини бузай демайди. Ҳабибулло Абдуллаевнинг қарзи 1 миллион 155 минг сўмга етган.

Шунингдек, Зокир Гофуровнинг 2 миллион 374 минг сўм, Шуҳрат Бековнинг 1 миллион 60 минг сўм қарзи бор. Шу сабабли хозир соҳа ходимларининг юмуши ҳам, ташвиши ҳам кўпайгандан-кўпайган. Илгари фақат табиий газ етказиб беришда узилишлар бўлмаслиги учун жон куйдирилган бўлса, энди газ ҳақини вақтида тўламаётган хонадонларга қайта-

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН БОЛАЛАР

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Ҳуқуқ билимдонлари" курик-танловини ўтказди.

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган тад-

бирда 9-умумтаълим мактаби вакиллари голибликни қўлга кири-тиб, танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам шундай курик-танловлар бўлиб ўтди.

Каримкул БОБОҚУЛ ўғли.

### Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## БОҒБОН БОБО ШЕЪР ЁЗАДИ

Кексалар билан сўхбатлашишни, сўхбат асносида айтилаётган пурманно сўзларни диққат билан тинглашни хуш кўраман. Тинглаётганимда дилим яйраб, руҳим чароғонлашаётганини ҳам сезиб тураман. Ёш бола йўқотган нарсасини топиб олиб, қандай қувонса, мен ҳам шунақа сўхбатлардан беҳад қувониб кетаман. Чунки, отахонларнинг сўзларида умр давомида босиб ўтилган гоҳ-яқин, гоҳ йироқ йўллар, гоҳ қувонч-

ли, гоҳ ташвиши кунларнинг якуни, хулосасини кўраман. "Қузда сув тиниқ оқади", деганларидек отахонларнинг сўхбати тоза, мазмундор, ширадор бўлади. Бундай сўхбатларда оламга саёҳат қилгандек, бутун бошли бир китобни ўқиб чиққандек бўлади киши. Беихтиёр ўзинг ҳам босиб ўтган йўлингга хулосалар ясаётгандек бўласан. Демак, "Қари билганини пари билмас" деганлари, бежиз эмас экан-да.

### Очерк

Мақтаётганим, киши руҳи, онги, қалбини бойитиб, юксакликка кўтардиган сўхбатларни кўнраб турган бир пайтда, худди шундай роҳатбах гуруннга тақлиф бўлиб қолди. Тақлифни Зангиота тумани, асли Худойназар Умаров номи, хозир эса ўзгартириш рафасида турган маҳалланинг отахонлари жўнатишибди. 98 ёшли Алимбой бобо Зокиров, катта боғбон, номдор кучатлар етиштирувчи Зоҳидхон Зиёхонов, "Оламини гулга тўлдирмаганча тиниб-тинчимайман", деб енг шимарган Аброр Аҳмедов ёзишибди. Маҳалла улуглари улар. Қатор-қатор фарзандларни, ўктам-ўктам ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказган пири

бадавлат кишилар улар. Ўз авлодларини элга қўшиб, юртнинг хурматини, олқишини эшитиб юрган мўтабар кишилар улар. "Келсангиз, сўхбатлашсак, яна икки-учтагина илтимосимиз бор. Шунинг ҳам айтиб ўтсак. Ана шу тақлифни маҳалламиз боғбони ва шоири орқали юбордик. Сизга тақлиф олиб борган ўртоғимиз маҳаллада: – Эркин боғбон, Эркин ошпаз, Эркин шоир, Эркин ташкилотчи бўлиб ном чиқарган, катта-кичикнинг хурматини қозонган йигит", дейишибди. – Бораман, жон-жон деб бораман. Отахонлар, сизларнинг сўхбатингизни қалбим қўмсаб, ўзим ҳам ўша томонга талпи-



ҳаётий тажрибаларини айта бошлашган эди: – Оқ кўнги, дилида хусумати йўқ одам узоқ яшайди. – Яхшилик, яхшилик, фақат яхшилик деб такоррлаб юрадиган одам узоқ яшайди. – Мевали дарахтни кўп эккан одам узоқ яшайди. – Ҳайрли, саховатли одам узоқ яшайди. – Савоб билан гуноҳнинг фарқига борган, кам гапириб, кўп тинглаган одам узоқ яшайди. – Умрталаб бўлсанг, кўп ема, деган ҳикматни эслаб юрган одам узоқ яшайди. – Ушанда даврада шундай ҳикматларни эшитган эдим. Бугунги так-

лиф ҳам ўша даврада иштирок этган, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтиб, катта-катта хулосалар чиқарган Мўйдинжон ака, Абдулла ака, Омил акадан келибди. Буларнинг хар бири ўқилмаган бир китоб, хулосаларни ҳаётдан олган кишилар. Ўзлари тўплаган ҳаётий тажриба, бой фикрларни шу кеча-кундузда далаларда жавлон уриб ишлаётган ўғилларига, фермер қизларига ўргатган ва шундай тарбия бераётганларидан ўзларни завқланиб юрган отахонлар. Ана шуларнинг даврасига кетаяпман, хурсанд бўлиб борапман.

(Давоми 4-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### Пискент тумани

#### ЁШЛАР ТАРБИЯСИ АСОСИЙ МАВЗУ

Туман агросаноат ва иқтисодийёт касб-хунар коллежидан туман ФХДБ бўлими, "Бирлик" маҳалласи ахли иштирокида тадбир ташкил этилди. "Ёшлар тарбияси муҳим ва долзарб вазифа" мавзусидаги давра сўхбатида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга, одам савдосига қарши кураш ҳамда ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришга барҳам бериш ҳақида сўз борди. Йиғилишда иштирок этган талабалар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича етарли маълумотга эга бўлишди.

### Паркент тумани

#### ИШЛАЙСИЗМИ – МАРҲАМАТ!

Бугунги кунда коллеж битирувчиларини муқим иш билан таъминлаш ва ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун қулайлик яратиш мақсадида жойларда бўш иш ўринлари ярмақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Туман ҳокимлигида прокуратура, бандликка кўмаклашиш маркази саёй-ҳаракати билан ўтказилган меҳнат ярмаркасида 40 та ташкилот, корхона ва муассаса 205 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунги ўсмир йигит-қизларнинг 180 нафари иш билан таъминланди.

### «ЯШИЛ ЧИРОҚ» ТАДБИРИ

30-умумтаълим мактабининг 5-, 7-синф ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича "Яшил чироқ" мусобақаси ўтказилди.

Уч босқичдан иборат тадбирда ўқувчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Натижаларга қўра, 5-синф ўқувчиларидан ташкил топган "Светофор" гуруҳи голиб деб топилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юлдуз ИСАЕВА.

### Давра сўхбати

## ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДИ

Республика Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарига оммавий маданиятнинг таҳдидлари ҳақида билдирилган фикрларни ўрганиш орқали хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш мақсадида 2014 йил давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёнида оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири" мавзусида давра сўхбатлари ташкил этиш

(Давоми 2-бетда).

Унга кўра, агар яқка тартибдаги тадбиркор муайян муддатга фаолиятини тўхтатса, шунга қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

Яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилгани ёки қайта тиклангани тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган келгуси иш кунини туғуғунга қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари га яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилгани ёки қайта тиклангани тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хилола Қўлатова Янгийўл туманидаги хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўқиб юрган кезаридаёқ "Менинг бизнес-гоям" танловида муваффақиятли иштирок этиб, тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритган эди.

### БИЗНЕСГА КЕНГ ЙЎЛ

У ўтган йили тикувчилик йўналиши бўйича коллежни тамомлагач, бизнес-гоясини рўёбга чиқаришга киришди ва банкдан 12 миллион сўм кредит олиб, оилавий корхона очди. Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий тикувчилик дастгоҳларини келтириб ўрнатди.

– Ҳозир асосан аёллар кийим-кечакларини тикияпмиз, – дейди ёш тадбиркор. – Либосларнинг андозасини коллежда устозларимиз ўргатганидай, халқимизнинг бугунги талабларига мос дизайнга тайёрлапмиз. Бозорда бизнинг маҳсулотларга талаб кундан-кун ортиб, харидорлар кўпайиб борапти.

Ёш тадбиркор ўзи таълим олган коллеж кўптувчилари учун ҳам махсус кийимлар тикиб берган эди. Энди коллеж маъмурияти ана шундай кийимларни ўқувчилар учун тайёрлашни ҳам Хилолахонова буюртма қилиш ниятида.

Тадбиркор яқин кунларда фаолиятини янада кенгайтириб, янги тикув дастгоҳлари келтириб ўрнатмоқчи. Шунда ёшлар учун яна 6 та янги иш ўрни очилади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

### Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗДОРЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

– Аҳолининг коммунал хизматлар тўловларини оsonлаштириш учун вилоят банклари газ таъминоти корхоналарига терминаторлар ажратган, – деди "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси директори ўринбосари Алишер Райимов. – Шунингдек, коммунал хизматлардан тўланиб қолган қарздорликни камайтириш бўйича ҳар бир маҳалла кесимидаги ишчи гуруҳларни кўмакчи терминал аппаратлари билан таъминлаш кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, банклар корхоналарнинг коммунал тўловлар ўтказмаларини қисқа фурсатда қабул

(Давоми. Боши 1-бетда).

шаклда ахборот тақдим этади. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилгани тўғрисида тақдим қилинган ва давлат

## ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

солик хизмати органлари томонидан олинган ахборот яқка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан та-

комиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғ-

рида"ги Низомнинг 24-1-бандига кўра, яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тиклаш тўғрисидаги аризасини олган рўйхатга олувчи орган кейинги иш кунини туғашдан кечикмай, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча

тўхтатгани ёки тиклангани тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизматига ахборот тақдим этади.

Баён этилганларга асосан, яқка тартибдаги тадбиркор

садли жамғармаларга асосан равишда ҳам 4 миллион 400 минг 260,55 сўм ёки 3 миллион 323 минг 868 сўм кўп солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисоблангани аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан 2014 йил 25 март куни биринчи инстанция судининг мазкур қарорини ўзгартириш тўғрисида вилоят ҳўжалик судининг апелляция судлов ҳайъатига апелляция протести келтирилган.

Вилоят ҳўжалик суди апелляция судлов ҳайъатининг 2014 йил 25 март кундаги қарори билан вилоят прокуратурасининг протести тўлиқ қаноатланмади, ДСИ томонидан яқка тартибдаги тадбиркор "Машарипова Гуландон Анваровна"га асосан ҳисобланган солиқ суммасидан 3 миллион 323 минг 868 сўм камайтирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хайрулла БЎРИЕВ, вилоят прокурори ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси.

### Семинар

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида биноан шу йилнинг 1 июнидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилган тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади. Бу вилоят адлия бошқармасида ўтказилган ўқув-семинарда маълум қилинди.

"Тадбиркорлик фаолияти – иқтисодий тараққиёт асоси" мавзусида ўтказилган анжуманда тегишли идора вакиллари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрилаётгани натижасида тадбиркорлар янада кенг имкониятларга эга бўлишга шайланган. Чунончи, вилоятимизда шу йилнинг биринчи чорагида 200 га яқин тадбиркорлик субъектларига кредит ва ер-жой олишда, шартнома-лар тузиш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам берилди. Натижада, 600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Семинар давомида адлия органларида тадбиркорларнинг муносабатларини тўлиқ ва хар томонлама кўриб чиқиш ҳамда қонуний ҳал этишни алоҳида назоратга олиш масаласи ҳам оидинлаштирилди.



Бекзод ҲИДОЯТОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ (сурат), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

### Қарор ва ижро

Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан сўнг Бекобод туманида ҳам қуришиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари янада кенг қўл очилди.

## Янги иш ўринлари – фаровонлик манбаи



рида 4,1 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Туман маркази қанчалик обод ва кўркам бўлса, келган меҳмон унга қараб, бутун туманга баҳо беради. Шундан келиб чиқиб, туманда 2014 йилда қурилиб, реконструкция қилиниб, фойдаланишга топшириш мўлжалланган 21 та иншоотнинг асосий қисми Зафар шаҳарчасида тўғри келмоқда. Бу ерда иккита қўчани намунавий кўчага айлантириш, болалар истироҳат боғи ва 7-мактабни капитал таъмирлаш, 45 та

момқатлашиш иншоотлари ўрнида биринчи қава-тида 13 та савдо ва маиший хизмат, 5 та умумовқатлашиш шохобчалари бўлган икки қаватли тураржой бинолари барпо этилади. Биноларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлиш арасида. Хар иккала кўчада хозирги кунда мевали дарахт кўчатлари экиш, гулхона-лар ташкил қилиш каби кўчаларга мезорлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Амалия оширилган ва бажарилиши кўзда тутилган лойиҳалар учун нафақат бюджет маблағлари, балки корхона ва ташкилотларнинг хомийлик маблағлари, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўз маблағлари ҳамда банк кредитлари жалб этилмоқда, – дейди О. Эргашев. – Бундан мақсад, Президентимиз Қарорининг ижросини таъминлаш, қишлоқ-ларнинг меъморий қиёфасини миллий аъналарга ҳам, замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ холда тубдан яхшилаш, кўрсатилган хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, кўпга янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

### Шукрона

## СИЗГА ДОИМ ТАЪЗИМДАМИЗ!

Ўтганлар руҳини ёд этиш, тириklarга меҳр-ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат" интернет уйлмида байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда кўпга хомий ташкилотлар ўз совға-саломлари билан иштирок этишди. Жумладан, "Оҳангарон метангаз" масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти ўз ҳисобидан отахон-онахонларимиз учун тўкин дастурхон ёзди. "Мажнунтол" корхонаси ширинликларининг таъми барчанинг оғзида қолди. "Pecas petroleum cas" корхона-сидагилар қимматбаҳо совғалар билан ташриф буюришди. "Сирожидин Абдумутал" чорва ҳўжалиги жамоаси эса бир бош қўй тортиқ қилди. Шунингдек, Зангиота ва Қибрай туман-ларидаги ташкилотлар

уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат" интернет уйлмида байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда кўпга хомий ташкилотлар ўз совға-саломлари билан иштирок этишди. Жумладан, "Оҳангарон метангаз" масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти ўз ҳисобидан отахон-онахонларимиз учун тўкин дастурхон ёзди. "Мажнунтол" корхонаси ширинликларининг таъми барчанинг оғзида қолди. "Pecas petroleum cas" корхона-сидагилар қимматбаҳо совғалар билан ташриф буюришди. "Сирожидин Абдумутал" чорва ҳўжалиги жамоаси эса бир бош қўй тортиқ қилди. Шунингдек, Зангиота ва Қибрай туман-ларидаги ташкилотлар

ҳам қўни-қўнжларини тўлдириб келишди. Шу кунини жами 15 миллион сўмлик хомийлик ёрдами жалб қилинди.

Шунингдек, байрам арафасида 10 нафар қариямизни зиёратгоҳга олиб бориб, айланатириб келдик. Яна бир гуруҳ нуронийларимиз Мотамса-ронга ойна ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Бизда шахмат ва шашкани севиб ўйнайдиганлар талайгина. Шу боис байрам муносабати билан турнир ўтказдик. Ғолибларга совғалар берилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ходимлари, мактаб ўқитувчилари, коллеж талабалари ва боғча болалари биргаликда тайёрланган байрам дастурхон қарияларимизнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Алишер ИНОҚОВ, "Саховат" интернет уйл раҳбари.

## ШОШИЛИНЧ ХИЗМАТЛАР ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ЎЗГАРМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шошилинч ва махсус хизматларнинг телефон рақамлари, шаҳарлараро ва халқаро алоқага чиқиш префикслари ўзгарди. Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида Хал-

қаро электр алоқа иттифоқи тавсия-ларига мувофиқ мамлакатимиз теле-коммуникация тармоқларини рақамлаштиришни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбир-дентмент бошлиги А. Мир-ҳабибовнинг қайд этишича, шошилинч ва махсус хизматлар телефон рақамларини универсаллаштириш борасида тай-ёргарлик ишлари олиб бориляпти. Пойтахти-мида шошилинч ва махсус хизматларнинг уч ва тўрт рақамли телефон рақамлари ишлаб турибди. Вилоятларда эса ушбу ташкилотларга хозирча эски рақамлар орқали кўнгирик қилинмоқда. Май ойида уларни тўлиқ ягона рақамга ўтказиш режа-лаштирилган.

Янги рақамларга ўтишни ташкил этаётган

муҳим таркибий қисми-дир. "Unicon.uz" давлат уни-тар корхонасининг алоқа ва ахборотлаштириш ил-мий-тадқиқот департа-менти бошлиги А. Мир-ҳабибовнинг қайд этишича, шошилинч ва махсус хизматлар телефон рақамларини универсаллаштириш борасида тай-ёргарлик ишлари олиб бориляпти. Пойтахти-мида шошилинч ва махсус хизматларнинг уч ва тўрт рақамли телефон рақамлари ишлаб турибди. Вилоятларда эса ушбу ташкилотларга хозирча эски рақамлар орқали кўнгирик қилинмоқда. Май ойида уларни тўлиқ ягона рақамга ўтказиш режа-лаштирилган.

Янги рақамларга ўтишни ташкил этаётган

### Давра суҳбати

## ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДИ

Партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" Бекобод шаҳрида шу мавзуда тадбир ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Бекобод шаҳар ҳокимлиги ходимлари, "Камолот" ЁИХ Бекобод шаҳар кенгаши вакиллари, шаҳар тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Арслон Эшмуродов жохон миқёсида глобаллашув жараёнининг хар томонлама чуқурлашуви ва ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашиб боргани сайин миллий маданият, ўзбекона қадрият ва азалий аъна-ларни сақлаб қолиш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани хусусида алоҳида тўхталди. Оммавий маданиятнинг асосий мақсади одамларни миллий маданиятдан узоқлаштириш, дунёни бир тизимга солиб, битта оқим бўйлаб ҳаракатланишини таъминлаш ва антиимиллий ғояларни синдириш, маънавий беғоналашуви юзага келтиришдан иборатдир. Бу борада "Юксак маънавият – енгилмас куч" аси-рида оммавий маданият

ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аънаъна ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпиришга қаратилган маънавий таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймаслиги алоҳида таъкидланган.

Шундай экан, бутун дунёда глобал муаммо тусини олган, ёшлар ва хотин-қизлар маънавиятига таҳдид солувчи оммавий маданиятга қарши аёллар ва ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Дарҳақиқат, оммавий маданият миллий маданият ва мамлакатимиз келажаги учун раҳна солар экан, бу жараёнга бефарқ қараб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан айнан шундай тадбир ва давра суҳбатлари мамлакатимиз ёшлари ва хотин-қизлари ўртасида имкон қадар кўпроқ ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбир сўн-гида партия фаоллари эс-далик совғалари билан тақдирланди.

Г. САТТОРОВА, ЎзМТДП вилоят кенгаши етакчи мутахассиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### ТАШАББУСКОРИ БОШҚА ЭКАН

Газетамизнинг 2014 йил 3 май оинида Ўзбекистон Қизил Ярим ойма жамиятининг «Инсонийлик ўқув маркази»да ўтказилган семинар-тренингни жамиятнинг вилоят ташкилоти уюштирган деб хабар қилинган эди. Аслида

эса, У Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан ташкил қилинган экан, вилоятимиз вакиллари унда меҳмон сифатида иштирок этган эканлар. Мухбиримиз йўл қўйган аниқлашлардан уэр сўраймиз.



Етиб келдим, кўришдик. Йўқ, бу оддий кўришиш эмас, бир-бирини соғинган ака-укалардек кучоқлашиб кўришдик. Узбек кўсини кўксига бериб кўришганда, қалбимда қанча меҳр, қанча қувонч бўлса, ҳаммаси сенга деб кўришади. Биз ҳам шундай қилдик. Даврага кўшилдим. Кечикиб келган баҳор ҳақида сўхбатлашаётган эканлар. Гоҳо мавсумнинг кечикиши, гоҳо чўзилиб кетиши табиатда кузатиларкан.

Баҳорнинг бир куни, кузнинг бир ойига татийди, - деди отахонлардан бири.

Экинни тезлаштираман деб ҳадеб ўғит солавермаслик керак, говлаб кетади.

Сувни меъёрда бериш керак, акс ҳолда япроқ катта, тана ингичка бўлиб қолади.

Американинг "Вилт" деган дориси тоқдан бошқа ярамас экан.

Бу йил хомтоқ қилмай турш керак...

Ана шундай гаплар бўлапти. Бамисоли ҳосилот кенгаши устидан чиқиб қолгандекман. Ҳар бир отахон ўз кузатганларини айтаяпти. Ҳар бири ўз дала-сида, ўз боғида кўрганни гапираяпти.

Меҳмон ўғлим, келганингиз кўп яхши бўлди, йўқса ўзимиз бормоқчи эдик, - сўхбат мавзунини ўзгартириб юборди Алимбой бобо. - Мана мен тўрт ўғлимга ер берганман, ўзумзорлари зўр, мақтасам гап кўп. Лекин шу маҳалланинг экологидек деб ном чиқарган Эркин жияним ҳақида кўпроқ гапирмоқчиман. Юрт обод бўлсин, дарахтлар яхши ўссин, кўчалар озода бўлсин, бўялмаган дераза қолмасин деб, ҳатто йиғлаб ҳам юради мана шу жияним. Эркин яқинда катта бир ҳашар уюштириб, ёшу қарини бирдай оёққа тургазиб юборди-я... Туман ҳокимиға борибди денг. Ҳоким ҳам халқпарвар, бир сўзли йигит экан. Хуллас, мана шу икки инсон ҳақида каттароқ газетада ёзиб чиқарсангиз демоқчи эдик-да.

Жуда зўр бўлди, - дея ҳаяжон билан гапга қўшилди Эркин Арзимат. - Бобомиз қавланган анҳор

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳақида гапираяптилар. Кўмила бошлаганига ўн йилча бўлди. Чинни заводи анҳорнинг қоқ белига миниб олган. Сув ўтсин деб, сурнайдек ингичка қувур ҳам қўйишган. Қани энди, шу қувурдан сув ўтса: на ахлат ўтади, на чиқинди ўтади. Энди атрофни ёмон ҳид босиб кетганини кўринг. Ерларни зах босиб,

йигит экан. Назаримда мени хурсанд қутиб олгандек бўлди. Дилим яйраб кетди. Худо хоҳласа, ишимиз ўнгидан келаётганга ўхшайди, деб ўйладим. Гапимни диққат билан тингладим. Бир-икки савол ҳам берди. "Маҳаллага, отахонларга бориб айтинг, катта ҳашар уюштирамиз. Фавқуллода вазиятлар ва-

сўз тополмайман. Қаранг, раҳбарнинг бир оғиз сўзи бутун бир юртни оёққа тургазиши мумкин экан. - Эркинжон, - гапга қўшилди Абдулла бобо. - Энди навбат бизники, ёзувчимизга бир-икки савол бермоқчиман, майлими? - Майли, - дейман хурсанд бўлиб. - Ёзувчилар ё насрода, ё

диган кишилар ҳақида ёзасизлар. Мана сизга бир қахрамон. Шу Эркиннинг олинг. Эрталабдан кечгача элнинг хизматини қилади, юртнинг ошини дамлайди. Кўчатлар эктиради, қўлида ток қайчи, кесилмай қолган тоқларни кесиб беради, улама пайванд, найчапайванд қилиб, янги-янги дарахтлар навини яратади.

Қизлар, ўғиллар навбат талашиб, гоҳ Навоийдан, гоҳ Бобурдан газаллар, гоҳ Муҳаммад Юсуфдан шеърлар ўқийди. - Эркин бобо, энди сиз шеърингиздан ўқинг. - Эркин бобо янгилири бўлса ўқинг. - Эркин бобо битта шеърингизни ўқиганман, - деган гаплар ҳам бўлди. Хонада кайфият юқори, ёш ҳам, кекса отахонлар ҳам мамнуният ҳолатида эди. Ёзувчилар таърифи билан айтадиган бўлса, диллар чарогон, юзларда табассум ўйнади. Бундай кўтаринки кайфиятни, яъни юртимизда катта, улуг муносабатлар бўладиган кайфиятни Зоҳидхон ака Зиёхоновнинг файз ёғилиб турган мўъжазгина боғида бўлганимда, минг-минг туп ёш лимон ниҳолларини парварлаб, қўриқтириб ўстираётганини кўрганымда, шунингдек, Аборр бобо Аҳмедов яратган гулзорда гулларнинг ранго-ранг товланганини кўрганымда тақрор ва яна тақрор ҳис қилиб турдим. Гуллар кирганларга бамисоли эғлиб салом бергандек, "Олам гўзаллиги - мана бизда" деяётгандек эди. Мен Эркин Арзимат шеърларини ўқиганымда, улар шу ердаги одамларнинг кайфияти, боғларнинг гўзал ҳолати, дарахтларда қақчақлашаётган қушларнинг ёқимли овозидан пайдо бўлар экан деб ўйладим ва шеърлардан бир қисмини сизга ҳавола этишни лозим топдим.

# БОҒБОН БОБО ШЕЪР ЁЗАДИ



дарахтларнинг дод деб қурий бошлаганини кўринг. Елвормаган раҳбаримиз қолмагани. Охири Содиқ Абдуллаев деган хоқимнинг олдига боришга қарор қилдик. Биласизми, ўрнидан туриб қутиб олди-я. Келишган, чиройли, табассумли

шеърда ижод қилади шундайми? - Шундай. - Ижодкор мақсади зўр, фойдаси тегадиган, бошқаларга намуна бўладиган, хулқ-ахлоқи юқори одамлар ҳақида ёзади, шундайми? - Шундай. - Демак, бундай кишиларни китобда ижобий қаҳрамон дейишади, тўғрими? - Тўғри. - Ижобий қаҳрамон китоб ичидамас мана бунақанги далаларда учраб қолса нима бўлади. - Улар ҳақида ҳам ёзиш керак. - Айтасизлару, барибир ёзмайсизлар. Сизлар галстук таққан, далага кирганда ҳам туфлисини мойлай-



Кўшниси касал бўлиб қолса, ҳаммадан олдин хабар олади, муҳтожларга моддий ёрдам уюштиради. Ҳўш, ана шундай одамни ижобий қаҳрамон деса бўладим... Абдулла бобонинг гаплари поёнига етмай қолди. Ўтирган хонамизга гуриллаб, қийқиришиб ўқувчи-ёшлар кириб кела бошлади. Кейин билсам, бир маҳаллар мана шу Эркин бобо мактабда муаллимлик қилиб, хонага кирган ўғил-қизларнинг ота-оналарига тарбия берган экан. Улар: "Эркин бобомга мен ақин тураман, сен нари турасан", дейишиб жой ҳам талаша бошлашди. Қутилмаганда, тўсатдан шеърхонлик бошланиб кетди.

**Заминга жоним фидо**  
Дунё узра қанча чаманларни кўрдим  
Болтиқ бўйи, Таллин,  
Варналарда бўлдим.  
Иссиққўлу Чимкент, Жамбулларда  
Юрдим  
Она юртим, Сенда ўзим бахтли сездим  
Шу заминга жонни фидо қилай, дўстим.  
Бу булоқдан сув ичганлар қайтиб келар,  
Нонин ҳидлаб, "Оҳ, Тошкент",  
деб ўйлаб келар.  
Шартномалар тузмоқдалар не-не эллар  
Она юртим, Сенда ўзим бахтли сездим  
Шу заминга жонни фидо қилай, дўстим.  
Икки дарё орасида яшаб келдинг  
Хизр бобом назарини бошлаб келдинг  
Мустақилсан, олға қадам ташлаб келдинг  
Она юртим, қанотингда яшнаб ўсдим  
Шу заминга жонни фидо қилай, дўстим.

**Омади бўлсин эркакнинг...**  
Юрганда тебраниб юрса ҳам,  
Даврада гапирмай турса ҳам,  
Меҳмонда юракдан қулмаса ҳам  
Омади бор бўлсин эркакнинг.  
Гойибдан бахт келса билдирмас,  
Ташвишу ғамларни сездирмас,  
Меҳмонин уйдан бездирмас,  
Фурури соф бўлсин эркакнинг.  
Мардик эр кишига ярашар,  
Номард ҳар ерда гап талашар,  
Қамтарга ҳавасла қарашар,  
Кўнгли осмон бўлсин эркакнинг.  
Майли от минмаган бўлса ҳам,  
Қирдамас шаҳарда турса ҳам,  
Озгина зардаси бўлса ҳам,  
Уфати бор бўлсин эркакнинг.  
Дунё шу, қўлингга қарашар,  
Йигитга савлат ҳам ярашар,  
Мардларни унутмайди башар,  
Давлати бор бўлсин эркакнинг.

**Лоқайдлардан асрасин**  
Она замин, холис бўлгин нодонлардан,  
Ювиб турсин осмон суви юзгинангни.  
Ҳоли бўлгин гуноҳқору нокаслардан,  
Яхшиларга бергин жиллов, тизгинингни.  
Меҳр ила ишлаганга толини бер,  
Кўчат экиб, боғ қилганга болингни бер,  
Шукр қилиб яшаганга борингни бер,  
Она замин, ўзинг асра офатлардан.  
Она замин, оғоҳ этгин офатлардан,  
Ариқларда шарқираган сувлар оқсин.  
Кўйиб кетдим беларвою лоқайдлардан,  
Лоқайдлар биздан кетсин, нари кетсин.  
Ер, тупроқни тоза сақлаш қайда қолди,  
Ҳашар қилиб ариқ қавлаш қайда қолди,  
Мисраларни ёза-ёза Эркин толди,  
Она замин, ўзинг асра лоқайдлардан.

## Кўргазма

### ЮРТ МАДҲИ

Пойтахтдаги Иқую Хираяма халқаро маданият қарвонсаройида Камолмадин Бехзода номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси Муҳаммад Бусатонованинг Соғлом бола йилига бағишланган "Илк қадам" номли шахсий кўргазмаси очилди. Экспозицияга муаллифнинг 70 дан ортиқ ишлари қўйилган бўлиб, уларда юртимиз табиати манзаралари, йил фасллари, турмуш тарзини, тарихга айланиб бораётган маҳаллаларнинг турли кўринишлари, пойтахтимиздаги замонавий бинолар экан экан. Шунингдек, кўргазмадан муаллифнинг "Оҳангрон йўли", "Дала ҳокло", "Чорвоқ", "Тоғ. Октош", "Октошда кун ботиши", "Октош" каби асарлари ҳам ўрин олган. Очилиш маросимида экспонатлар ёнида уюштирилган давра сўхбатада таъкидланганидек, М. Мусахоннова ижодида юртимиз табиати ва қадриятларини севиш, оиласи ва яқинларига меҳр-оқибати ёрқин ақс этган. Рассом ўқувчилик йилларидаёқ турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашган. Ҳам ўқишда, ҳам ижодда фаол эди. Талабалик йилларида ўқитувчиларидан сабоқ олиб, ўз устидида "Устоз-шоғирд" тизимида ишлаб, ижодий маҳоратини янада бойитди. Ҳар йили ўтказилаётган "Тасвирий санъат фестивали", кўрик-танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, диплом, фахрий ёрлик ҳамда совринлар билан тақдирланди. **Хасан АБДУНАЗАРОВ.**

## КИЧКИНТОЙЛАР БЕЛЛАШУВДА БЎШ КЕЛИШМАДИ



Мустақиллик йилларида ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, ўқувчилар пухта билим олишлари учун малакали педагог кадрлар жалб этилди. Пировармида бошлангич синф ўқувчилари ҳам турли беллашувларда иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини намоён қилмоқдалар. Чирчиқ шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан 3-, 4-синф ўқувчилари ўртасида билимлар беллашуви тажриба-синов сифатида ўтказилди. Унда шаҳарнинг 23 та умумтаълим мактабидан 288 нафар ўқувчи иштирок этди. Беллашувда ўқувчилар она тили (қозоқ ва рус тили), математика, табиатунослик ва инглиз тили фанлари бўйича ўзлаштирган билимларини савол-жавоб, сўхбат, тест ва иншо ёзиш орқали намоийш этдилар. - Институтимиз профессор-ўқитувчилари Со-

сил олаётган ўқувчиларда фанларни чуқур ўзлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш ҳамда иқтидорли болаларни кашф этишда яқиндан ёрдам беради. Яқиний натижаларга кўра, 9-мактабнинг 3-синф ўқувчилари инглиз тили, табиатунослик, 4-синф ўқувчилари эса рус тили фанидан биринчилики қўлга киритишди. Беллашув якунида барча голиб ва совриндорларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди. **Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

**СУРАТЛАРДА:** билимлар беллашувидан лавҳалар. **Даврон АХМАД** олган суратлар.

## САХОВАТ

У бир жуфт ўрик кўчати сотиб олиб, экишга вақт тополмасди. Хизматга кетарибди, кўча бўйида мевали ниҳоллар сотаётган йигитни кўриб қолди. Шохида туриб, туршак бўладиганидан сўради. Бор экан. Баҳосини келишгач, ишдан қайтишда оламан, деди. Кечки пайт шу ерда тўхтади. Энди кўчат олдида бир отахон турарди. - Кўчатнинг эгаси қани? - Мен-да, болам! - У хайрон бўлганди, қария изоҳ берди: - Кўчатларни эрталаб ўғлим сотаётганди. У бир жуфт кўчатга келишиб қўйган баҳони айтганди, қария жилмайди: - Анча арзонга келишган экан-

## ҲАВАС

Бува кўчат экайтиб, катта набирасига тушунтирди: - Мана бу олма дарахтини синглинг турилганда экканман, қара, гулпатли. Бунисини уканг турилганда эккандим. Уч йилдан кейин ҳосил беради. Ҳов анув гилос, қара, мева туриб ётибди. Кўчатни сен дунёга келганда ерга қадагандим.

## ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

Набира бувасига ҳавас билан қараб сўради: - Унда менинг ўзим қачон дарракт экман? - Сенми? Мана хозир менга кўчат экишга ёрдамлашаёсанку. Худо хоҳласа, каттароқ бўлсанг ўзинг ҳам экаверасан. Кейин буни болаларинг, набираларингга ўргатасан. Ширинширин мевасини еяверасизлар. Ҳаёт шу билан тотли-да, болам.

## ҚОҶОҚЛАР КҮН САЙИН КЎПЛАЙМИ

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Италия худудига кириб келган қоқоқлар қарийб 26 минг кишига етди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 823 фоиз кўпдир. Тарқатилган маълумотларга қараганда, қоқоқлар асосан Сицилия, шунингдек, Калабрия ва Апулия вилоятларининг жанубий худудларига жойлашган. Мутахассисларнинг фикрича, Ливия ҳамда Африка мамлакатларида келаётган қоқоқлар оқими кўпайиб бориши кутилмоқда. Италия икки ишлар вазирлигидаги мавжуд маълумотларга кўра, Ливия соҳилларида юз минглаб кишилар Сицилия (Тунис) бўғози орқали Италияга ўтишга тайёр турибди.

## БОШҚАРУВЧИСИЗ САМОЛЁТ ҲҲУМИ

Американинг бошқарувчисииз самолёти Афғонистонда террорчиларнинг базаларига берган зарбаси натижасида қамда ўш жангарий ўлдирилди, 14 киши жиддий яраланди. Тарқатилган ахборотларга қараганда, учувчисииз самолёт афгон толибларни ҳамда ушбу худудда фаол ҳаракат қилаётган контрабандачилар қароргоҳи томон кириб, шунингдек, Покстоннинг "Лашкари ислом" жангарилари базасига қарата битта ракета ташлаган.



## ҚҮРБОНЛАР СОНИ ОРТАЯПТИ

Туркиянинг Сома шаҳридаги шахтада юз берган кучли портлаш қурбонлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Associated Press агентлигининг маълумотига кўра, Режеп Таййип Эрдоган берган баёнотида таяниб хабар қилишча, портлаш юз берган пайтда шахтада 787 нафар шахтёр ишлаётган эди. Улардан фақат 363 нафарини қутқаришга муваффақ бўлинган.

Авалги хабарларда қурбонлар 205 кишига етганини маълум қилинганди. Энди халок бўлганлар сони кун сайин ортиб борапти.

Электр тармоғидаги носозлик бахтсиз ҳодиса юз беришига сабаб бўлган деган тахмин бор. Ушбу фожиа туфайли Туркияда уч кунлик мотам эълон қилинди.

## ЎЛИМ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНДИ

АҚШда мамлакат президенти Барак Обама ҳаётига суиқасд уюштиришга тайёргарлик қўрган Жеймс Маквей маслаҳатчилар иштирокидида суиқасд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги. Илгари суд жараёнида Маквей 75 ёшли аёлни ўлдириб, унинг машинасини олиб қочганини тан олган эди. Ушбу автомобиль мамлакат марказига етиб келиб, сўнг Обамага ўлдириб ниҳтини амалга ошириши учун керак бўлган. Бирок, Маквей Вашингтонга етиб келолмади. У Висконсин штатининг Мэдисон шаҳрида қўлга олинди. Суд Маквейнинг айбдор эканини бир овоздан тасдиқлаб, Қўшма Штатлар қончилигидаги мувофиқ, ўлим жазосига ҳукм қилди.

## ЎГИРЛАНГАН ҚИЗЛАР ТОПИЛГАНИ ЙҶҚ

Associated Press агентлиги маълум қиладики, Австралия ҳукумати "Боко Харам" гуруҳининг мамлакат худудидидаги фаолиятига чек қўйиш ниятида. Ҳукуматнинг бундай қарорига келиши беҳиз эмас. Зеро, ушбу гуруҳ яқинда Нигерияда 300 га яқин мактаб ўқувчи-қизларини ўғирлаб кетган эди.

Мамлакат бош вазири Тони Эббот парламентда таъкидладики, илгари АҚШ, Британия, Канада ва Янги Зеландия мамлакатларида ҳам "Боко Харам" гуруҳининг фаолияти тўхташиб қўйилган эди. "Миллионлаб австралияликлар 300 га яқин ўқувчи-қиз қаровга олинганини эшитиб, даҳшатга тушдилар", деди бош вазир.

Бир гуруҳ нигерияликлар мамлакат пойтахти кўчалари бўйлаб юриш уюштириб, ҳукуматдан ўғирланган ўқувчи-қизларни излаш билан боғлиқ ҳаракатларини фаоллаштиришни талаб қилишди.

## КАЛИФОРНИЯ ЎРМОНЛАРИ ҲТ ИЧИДА

Калифорния штати Сан-Диего шаҳридаги ўрмонларда юз берган кучли ёнғин сабабли 20 минг хонадон вақиларини зудлик билан ҳавфсиз жойга кўчиришга тўғри келди. Узоқ давом этган қуроқчилик ҳамда кучли шамоллар ёнғиннинг ёйилишига сабаб бўлди, деб ёзади Associated Press агентлиги. Санта-Барбара шаҳрида ҳам 1200 хонадон ҳамда бир нечта корхона эвакуация қилинди. Бирок, ёнғиндан учиб чиқётган беҳисоб қўчлар унинг кенг худудларга тарқалишига сабаб бўлапти. Ўт ўчирувчилар уйларга тинимсиз суви сепишмоқда. Шунингдек, табиий офатга қарши курашда авиатехникалардан ҳам фойдаланилмоқда.

## БОШҚАРУВЧИСИЗ САМОЛЁТ ҲҲУМИ

Американинг бошқарувчисииз самолёти Афғонистонда террорчиларнинг базаларига берган зарбаси натижасида қамда ўш жангарий ўлдирилди, 14 киши жиддий яраланди. Тарқатилган ахборотларга қараганда, учувчисииз самолёт афгон толибларни ҳамда ушбу худудда фаол ҳаракат қилаётган контрабандачилар қароргоҳи томон кириб, шунингдек, Покстоннинг "Лашкари ислом" жангарилари базасига қарата битта ракета ташлаган.

## Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир <b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b>	Манъилими: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru	Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефошлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таъриятчи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир <b>Сайёра РИХСИЕВА</b> Навбатчи <b>Хуршида ТУРСУНБЕКОВА</b> Саҳифаловчи <b>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</b>
--	--	--	--	---	--	---